



ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ УЧУН СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



“E-auksion.uz” электрон савдо платформасида деҳқон хўжалигига мўлжалланган ерларни ижарага олиш тартиби бўйича семинар ўтказилди.

Ўқув семинарида туман ҳоқими Р.Гаппаров, Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази ДУК шўъба мудир Рустам Дониёров, мазкур марказнинг Сурхондарё вилоят вакили Лутфилло Ғойиповлар семинар иштирокчиларига қишлоқ хўжалиги ерлари учун танловларда иштирок этиш тартиби бўйича керакли тушунчаларни бериб ўтди.

Ҳоким ёрдамчилари “E-auksion” электрон савдо платформасидан рўйхатдан ўтиш, электрон рақамли имзо(ЭРИ) калитини олиш, ер учусткасига ариза бериш тартиби ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлишди.